

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2020 йил 25 август • сешанба • № 86 (4371)

Камол эт касбим,  
олам уйидин  
Санго фарз ўлмағай  
ғамнок чиқмоқ,  
Жаҳондин нотамом  
ўтмак байни,  
Эрур ҳаммомдин  
нопок чиқмоқ.  
Алишер НАВОЙЙ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

2020

1 СЕНТЯБРДАН

нималар  
ўзгаради?

## Қуйида уларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

1. Пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 10 фоизга оширилади.

2. Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри ўртасидаги экспорт қатновларда экспорт қилувчиларга темир йўл юк қатнови тарифларига 50 фоиз чегирма жорий этилади.

3. Хорижга олиб чиқиб кетиш мумкин бўлган нақд валютаси миқдори ошади.

4. Давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар томонидан ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартиби жорий этилади.

5. Барча аукцион савдолари натижалари QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштирилади.

6. Чегара божхона постларида «Ягона дарча» божхона ахборот тизими жорий этилади ва бунинг натижасида божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақтни экспортда 5 баробарга ва импортда 2 баробарга қисқартиришга эришилади.

7. Рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун бўлади.

8. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали «Ягона дарча» тамойили асосида йўқ ишлар вазирлигининг «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида амалга оширилади.

9. Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт ОТМларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилади.

10. Давлат буюртмаси асосида босма маҳсулотлар, шу жумладан, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, Ўзбекистон норезидентлари ҳам қатнашиши мумкин бўлган, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари ҳамда Курилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари асосида курилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади.

12. Ундирилиши умидсиз, деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом кучга киради.

13. Санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети ташкил этилади.

14. Давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш тартиби жорий этилади.



## Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қурултойига қизғин тайёргарлик кетяпти.

Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди.

Айни пайтда эса қизғин руҳда ўтаётган Республика

кенгашлари қурултойларида касба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган анжуманларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги сазъ-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.



### Хушxabар

## Халқаро биология олимпиадаси олтин медали ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИДА

Масофавий тарзда ўтказилган  
IBO2020 Challenge – Халқаро биология  
олимпиадасининг натижалари эълон қилинди.



Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси мамлакат тарихида илк бор биология йўналишида олтин медални қўлга киритди.

Ушбу натижани Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Саида Валижонова қайд этди. Шунингдек, олимпиадада Бухоро давлат университети академик лицейи ўқувчиси Равшанбек Каримов ҳамда Жиззах давлат педагогика институти академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Сардор Тожибоев кумуш медаль соҳибига айланди.

Эслатиб ўтамиз: Халқаро биология олимпиадаси Япония давлати томонидан ташкил қилинган бўлиб, унда 52 та давлатдан 262 нафар иштирокчи қатнашди.

Мавзуга доир маълумот: 1997 йилда Ўзбекистон учун халқаро олимпиададаги илк медални биологлар қўлга киритган, бу бронза эди. 1998 йилда ўзбекистонлик ўқувчилар иккита бронза, 1999 йилда битта бронза, 2000 йилда илк кумуш медални олиб келган. Кейин узоқ таънафусдан сўнг 2019 йилда учта бронза медаль қўлга киритилган.

### Келгуси сонларда ўқинг...



## АСРНИ ҚАРИТГАН УИЛАР

ёхуд XX аср бошларида  
Туркистондаги тўйлар ҳақида

## УЛАР ҲАМОН РАҒБАТДАН МАҲРУМ...

Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият курсатадиган

# 12-11

қисқа рақамли  
«Ишонч телефони»,  
яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## КУН НАФАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Украина Президенти Владимир Зеленскийни Мустақиллик куни билан табриқлади.

«Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Агостино Пиннани қабул қилди.

Москва вилоятида жойлашган Патриот паркида VI Халқаро армия ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда юртимиз номидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги офицерлари ҳамда мусобақаларга киришиш оstonасида турган ҳарбий хизматчилар иштирок этди.



Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидан бир гуруҳ туман, шаҳарлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари Каттақўрғон тумани тажрибаси билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев хорижий давлатлардан қайтган ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар билан очик мулоқот ўтказди.

Дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан бири Fitch Ratings «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» акциядорлик жамиятига «Барқарор» прогнози «ВВ-» узоқ муддатли кредит рейтингини берди.

Жаҳон банкнинг READ дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги ва Россия таълим стратегияларини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда «Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш – инсон капитални ривожлантириш омилдир» мавзусида халқаро онлайн вебинар ташкил этди.

ЎзА хабарлари асосида  
тайёрланди





